

2-1-2019

IMPROVING THE COMPETITIVE MANAGEMENT SYSTEM OF LIGHT INDUSTRIAL ENTERPRISES

I.A. Toshpulatov

Fergana polytechnic institute, iqboldoktorant@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Toshpulatov, I.A. (2019) "IMPROVING THE COMPETITIVE MANAGEMENT SYSTEM OF LIGHT INDUSTRIAL ENTERPRISES," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 2 , Article 19.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss2/19>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тошпулатов Икболжон Адилжонович,
Фарғона политехника институти таянч докторанти
E-mail: iqboldoktorant@mail.ru

Аннотация: Мақолада енгил саноат корхоналари рақобат устунлигини таъминлаш омиллари, рақобатбардошликни бошқариш тизими, бошқариш жараёни бўйича маълумотлар берилган. Шунингдек, енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизimini ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Рақобатбардошлик, рақобатбардошликни бошқариш, корхоналар ривожланиш стратегияси, интеграциялашган ёндашув, комплекс ёндашув, рақобатбардошликни бошқариш тизими, рақобатбардошликни таъминлаш.

Аннотация: В статье представлена информация об факторах обеспечения конкурентного преимущества предприятий легкой промышленности, системе управления конкурентоспособности, процессе контроля. Также представлены предложения и выводы по развитию системы управления конкурентоспособности предприятий легкой промышленности.

Ключевые слова: Конкурентоспособность, управление конкурентоспособностью, стратегия развития бизнеса, интегрированный подход, комплексный подход, система управления конкурентоспособностью, обеспечение конкурентоспособности.

Abstract: The article provides information on the factors of competitive advantage of light industry enterprises, the competitiveness management system and the control process. Also, there are proposals and conclusions on the development of light industry enterprises' competitiveness management system.

Key words: Competitiveness, competitiveness management, business development strategy, integrated approach, complex approach, competitiveness management system, competitiveness supplement.

Кириш

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида ривожланаётган мамлакатлар енгил саноат корхоналарида халқаро стандартларга мос равишда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатлар ўртасида кучли рақобат муҳитини шаклланишига, маҳсулотларнинг сифати ва нархи бўйича мамлакатлар бир-биридан ўзишга интилишларига сабаб бўляпти.

Мамлакатимиздаги енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида юртбошимиз томонидан кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда, хорижий мамлакатлар тажрибаларидан оқилона фойдаланган ҳолда кластер тизими тадбиқ этилмоқда, тармоқ ривожини таъминлаш мақсадида йўл хариталари ишлаб чиқилиб босқичма-босқич ижроси таъминланмоқда.

Шу билан бирга, Республика тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга янада илгари суриш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга

ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 14 декабрьдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони имзоланган. Фармонда, тўқимачилик саноатининг иқтисодиётдаги улушини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг, энг аввало, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини юқори технологик ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш орқали ҳажми ва сифатини ошириш, тўқимачилик саноатининг бошқарув тизимини илғор менежмент технологиялари, тармоқ корхоналарига ҳар томонлама кўмаклашиш ва кўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал этишда самарали шакллари жорий этган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқиш [1] каби амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида энгил саноат тармоғида корхоналар сонининг ортиши кучли рақобат муҳитини вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Бундай вазиятда корхоналарнинг олдида турган асосий вазифа рақобатбардошликни таъминлаш, бозордан сиқиб чиқарилиш хавфини турли йўллар билан олдини олиш ҳисобланади. Рақобатбардошликни таъминлаш ҳар қандай корхонани бошқаришнинг асосий мақсадларидан биридир. Рақобатбардошликнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бу унга таъсир ўтказиш ва уни бошқара олиш имкониятга эга бўлиш ҳисобланади.

Энгил саноат тармоғини ривожланишига қаратилган барча чора-тадбирлар корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошишига, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда. Энгил саноат корхоналарининг рақобатбардошлик даражасини аниқлаш, рақобатбардошлик омиллари таъсирчанлик даражасини ўрганиш, корхоналарга муносиб баҳо бериш, йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни аниқлаш, ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан самарали фойдаланиш, энгил саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш масалалари мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маҳаллий тадқиқотчилар томонидан рақобатбардошликка эришиш ва рақобат устунликларини таъминлаш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Ҳар бир корхонанинг доимий мақсади рақобатбардошликка эришишдир. Энгил саноат корхоналари нафақат рақобатбардошликка эришиш чораларини кўриши балки, рақобатбардошликни бошқариш тизимини ҳам ишлаб чиқишлари бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бошқарув бу субъектлар, органлар томонидан кишиларга ва иқтисодий объектларга кутилаётган натижага эришиш, уларни хатти-харакатини йўналтириш мақсадида уларга онгли таъсир кўрсатишдир. Демак, рақобатбардошликни бошқариш тизими муайян бошқарув механизминини ишлаб чиқишни талаб этар экан.

МДХ давлатларидан А.Е.Андреева [2] тадқиқот ишида корхона рақобатбардошлигини таъминлашда сифат менежментининг замонавий усулларини танлаш бўйича назарий ёндашувни ва рақобатбардошликни оширишнинг энг самарали усулларини танлаш алгоритминини ишлаб чиққан. Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар корхоналар рақобатбардошлигини бошқаришнинг назарий жиҳатларини ўрганишган (1-жадвал).

1-жадвал

“Корхона рақобатбардошлигини бошқариш” тушунчасига берилган таърифлар

Муаллифлар	Таърифлар
А.Л.Денисова, Т.М.Уляхин [6]	Рақобатбардошликни бошқариш бозорда корхонани рақобатбардошлик даражасини белгилаш, таъминлаш, қўллаб – қувватлаш учун бошқарув объектларига координацияланган таъсир ўтказиш жараёнидир.
В.Н.Парахина, Л.С.Максименко [10]	Рақобатбардошликни бошқариш деганда рақобат афзалликларини ишлаб чиқиш, қўллаб – қувватлаш, фойдаланиш, ривожлантириш усулларини топиш тушунилади.
Н.В.Данилюк [5]	Умумий кўринишда корхона рақобатбардошлигини бошқариш, бозорни танланган сегменти учун мос келадиган рақобат устунлигини таъминлаш ва қўллаб – қувватлаш, шакллантириш манбаларини қидириб топишдир.
Н.А.Савельева [11]	Корхона рақобатбардошлигини бошқариш тизими бу рақобат устунликларини таъминлаш ва рақобат кучсизликларини бартараф қилувчи тизимни шакллантиришдир.
Л.Н.Чайникова, В.Н.Чайников [12]	Корхона рақобатбардошлигини бошқариш бир қатор бошқарув қарорларини шакллантиришга йўналтирилган фаолият бўлиб, у ўз навбатида олдида қўйилган мақсадларга мос ҳолда лидерликка эришиш учун турли хил ташқи таъсирларга бардош бера олишга йўналтирилиши керак.
Р.Е.Мансуров [9]	Рақобатбардошликни бошқариш стратегик мақсадларга мувофиқ етакчиликка эришиш учун ташқи таъсирларга қарши туришга қаратилган бир қатор бошқарув қарорларини шакллантиришга қаратилган фаолиятдир.

Рақобатбардошликни бошқариш жараёнининг табиати ва устуворлигини тушуниш борасида тадқиқотчи олимларнинг қарашлари ҳалигача уйғунлашмаган. Хусусан, Р.Е.Мансуров рақобатбардошликни бошқариш стратегик мақсадларга мувофиқ етакчиликка эришиш учун ташқи таъсирларга қарши туришга қаратилган фаолиятдир [9], деб ҳисоблайди. А.Кузмин эса рақобатбардошликни бошқариш рақобатбардош маҳсулотларни яратиш ва сотиш сиёсатини белгиловчи умумий бошқарув функцияларини амалга ошириш қисми сифатида тушунадилар. Ушбу соҳадаги мақсадлар ва масъулиятлар маълум бир рақобат тизимида режалаштириш, тезкор бошқариш, таъминлаш ва такомиллаштириш воситасида амалга оширилади [8]. М.Галелюк корхонанинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш ва яхшилаш мақсадида умумий функцияларни бажариш орқали амалга ошириладиган бошқаришнинг ўзига хос функцияси билан рақобатбардошликни бошқаришни назарда тутди [3].

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқот ишида мавзунинг долзарблиги, маҳаллий ва хорижий мамлакатлар тадқиқотчи олимларининг рақобатбардошликни бошқариш бўйича илгари сурган назариялари ҳамда билдирган фикр мулоҳазалари ўрганилган ва таҳлил этилган. Шунингдек, корхоналар рақобатбардошлигини бошқариш жараёни ва тизимини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликка эришиш ишнинг асосий мақсади этиб белгиланган. Мақсадга эришишда рақобатбардошликка таъсир этувчи омиллар назарий жиҳатдан таҳлил этилган, аниқланган омиллар ёрдамида рақобатбардошликни бошқариш жараёни ва тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида индукция ва дедукция, тизимли ва мантиқий таҳлил ҳамда иқтисодий таҳлил усулларида самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар


Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизимини ишлаб чиқишда тўқимачилик маҳсулотларининг сифати ва нархига катта эътибор қаратиш зарур. Бунда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига яъни фойдаланишдаги имкониятларига, эстетик кўринишига, хизмат муддатига, мато хусусиятини тез ўзгартирмаслигига кабиларга эътибор бериш зарур.

Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизимини ишлаб чиқишда корхоналарнинг умумий салоҳиятидан келиб чиқиш зарур, бунда ишлаб чиқариш қуввати, жиҳозларнинг техник даражаси, ишчи-ходимлар малакаси, корхонанинг молиявий ҳолати, ишлаб чиқариш жараёнларини шакллари ва усулларига эътибор қаратиш керак. Корхонанинг рақобатбардошлигини бошқариш барча бўғинлардаги бошқарув жараёнларини ўз ичига олади, жумладан, инновацияни бошқариш, маҳсулот ва меҳнат сифатини бошқариш, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишни бошқариш, нархни бошқариш, ходимларни бошқариш ва бошқалар. Саноат корхоналарининг бир-биридан рақобат устунлиги бир қатор омиллар ёрдамида шаклланиши мумкин, буларга, номоддий ёки моддий ресурс, хом-ашё, инновация, харажатлар, ишчи кучи, техника-технология, сифат, нарх, рентабеллик кабилар таъсир кўрсатиши мумкин.

Корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун оқилона бошқарув қарорини қабул қилиш, аввалги тажриба ва таҳлилларга таяниш ҳар доим ҳам самарали бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун шундай бир механизм ишлаб чиқиш керакки, у корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашга катта хизмат қилсин. Корхонанинг рақобатбардошлигини бошқариш тизими - бу ички ва ташқи манфаатлар нуқтаи-назаридан кучли рақобат муҳитида хавф солувчи таҳдидларга муносиб жавоб бериш имкониятини бера оладиган механизмдир. Корхонанинг рақобатбардошлигини бошқариш тизими бозордаги рақиб маҳсулотларга нисбатан устунлик томонларини кенгайтириш, фарқли ижобий хусусиятларини ошириш имкониятини беради.

Корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш учун нафақат энг муҳим кўрсаткичлар ва омилларни аниқлаш, балки ушбу параметрларни мунтазам равишда таҳлил қилиш керак. Таҳлилнинг асосий вазифаси бўлиб ўрганилаётган объектнинг рақобатбардошлик даражаси таркибидаги корхоналарнинг мутаносиблигини аниқлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳисобланади. Таҳлиллар ёрдамида аниқланган маълумотларни умумлаштирган ҳолда ёки маҳсулотга кўра, матрицали, эксперт баҳолаш, комбинацион каби усуллар ёрдамида корхоналарнинг рақобатбардошлик даражаси аниқланади. Корхоналарнинг рақобатбардошлик даражасига караб унга мос стратегия ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш зарур.

Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш жараёнида корхонанинг бозордаги ҳақиқий даражасини баҳолаш, корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш воситаларини аниқлаш ва муносиб стратегия ишлаб чиқиш жуда муҳим босқичлар ҳисобланади. Корхоналарнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда, замонавий иқтисодий шароитларда бозорнинг талаблари яъни истеъмолчиларнинг маҳсулотга бўлган ўзига хос алоҳида талаблари ривожланаётганлигини инобатга олиш жуда муҳимдир.



1-расм. Енгил саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш жараёни¹

Корхона рақобатбардошлигини бошқариш тизимининг асосий мақсади ички ва ташқи муҳитда ташкилий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа ўзгаришларда унинг ҳаётийлигини ва барқарор ишлашини таъминлашдан иборат. Бунга эришиш учун корхона рақобатдошлигини бошқариш қуйидаги йўналишларга қаратилган бўлиши керак:

- корхонанинг рақобатдошлигини оширишга таъсир қилувчи салбий (зарарли) омиллар сонини зарарсизлантириш (йўқ қилиш) ёки чеклаш;
- корхона рақобатбардош устунликларини оширишга таъсир этувчи ижобий омиллардан фойдаланиш;
- бозор унинг ташқи муҳитдаги ўзгаришларга кенг ва вақтинча мослашиши асосида корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш ва такомиллаштириш;
- бошқарув ҳаракатларини ва қарорларини мослашувчанлигини таъминлаш, муайян бозорда рақобатнинг салбий ва ижобий омиллари таъсирини синхронлаштириш [5].

Агар бундан бир аср олдин хом-ашё ишлаб чиқарувчилар 50 % фойда олган бўлсалар, бугунги кунда хом-ашё етиштириб берувчи мамлакатлар фойдаси 10%дан ҳам камроқни ташкил этмоқда, 60%дан ортиқ фойдани эса қўшимча қийматли маҳсулотлар яъни тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар олмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда енгил саноат маҳсулотларини тайёр маҳсулотлар, кийим – кечаклар, газламалар шаклида ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Ўтган йиллар давомида енгил саноат маҳсулотларидан ип – калава, газлама, пайпоқ, тўқима бўз, тикув-трикотаж маҳсулотлари, тери маҳсулотлари, пойафзал ишлаб чиқариш суръати сезиларли даражада ўсди (2-жадвалга қаранг).

¹Муаллиф ишланмаси


Ўзбекистон Республикасида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми (млрд сўмда)

Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2017 йил 2010 йилга нисбатан %да
Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	4845,5	6736,9	7672,9	8898,3	10839,5	13241,7	13335,3	16763,3	3,46
Кийим ишлаб чиқариш	575,8	795,2	996,8	1165,8	1308,7	1585,3	4318,5	6108,2	10,61
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	80,7	122,4	152,1	348,4	527,2	757,9	981,4	1414,6	17,53

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2010 йилда 4845,5 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 16763,3 млрд сўмга, 3,46 бараварга ошди. Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўртача йиллар давомида 19 % га ошган, фақат 2016 йилда энг паст ўсиш кузатилган яъни 0,7 %га ошган. Кийим ишлаб чиқариш 2010 йилда 575,8 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 6108,2 млрд сўмни ташкил этди, бу эса 10,61 баравар ўсиш дегани. Ўртача йиллар давомида 46 % га ўсиш кузатилган, 2016 йилда энг юқори кўрсаткич 72 %га кийим ишлаб чиқариш ўсган. Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш 2010 йилда 80,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 1414,6 млрд сўмга етди, яъни 2017 йилда 2010 йилга нисбатан 17,53 баравар ўсиш кузатилган. Бунга, юртимиздаги тадбиркорлик субъектлари томонидан пойафзал маҳсулотлари, аёллар сумкалари каби чарм маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кучли таъсир этган.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган енгил саноат корхоналарида рақобатбардошликни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва юқори даражада уни ижросини ташкил этиш механизминини йўлга қўйишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Аввало, саноат корхоналаримизда рақобатбардошликни бошқариш тизими қандай йўлга қўйилганлигини аниқласак.



2-расм. Мамлакатимиздаги енгил саноат корхоналарининг рақобатбардошликни таъминлаш бўйича энг кўп эътибор қаратаётган бўғинлари (100 %га нисбатан)

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Фарғона вилоятидаги “Daewoo textile” МЧЖ ҚК, “Бешариқтекстил” АЖ ҚК, “Fergana-oseana” ҚК, “Қува текстил” МЧЖ ҚК каби тўқимачилик корхоналарини тадқиқ этишдан аниқландики, аксарият корхоналарда рақобатбардошлик омили сифатида маҳсулотнинг сифат даражасига катта эътибор қаратилмоқда. Бунда сифатни комплекс назорат қилиш тизими асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга рақобатбардошликка эришиш бўйича хом-ашё сифатига ва техника-технологиянинг замонавийлигига эътибор қаратилмоқда. Кадрлар салоҳиятига, маркетинг фаолиятига, бошқарув тизимига эса эътибор паст даражада қаратилаётганлиги аниқланди.

Корхона рақобатбардошлигини бошқариш жараёнини икки гуруҳга, корхона рақобатбардошлигини таҳлил қилиш ва корхона рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга бўлиш мумкин (3-расмга қаранг).

Рақобатбардошликни таҳлил қилишда корхонанинг рақобатбардошлик билан боғлиқ ахборотлар йиғиш, қайта ишлаш, рақобатбардошликка таъсир этувчи омиллар таъсирини баҳолаш, корхона фаолиятидаги ўзгаришларни мониторингини амалга ошириш ишлари олиб борилади.

Корхонанинг ташқи муҳитдаги жиддий ўзгаришларга жавоб берадиган чора-тадбирлари ва уларни рақобатбардошлик даражасига таъсири қуйидагилардан иборат:


- муайян бозорнинг белгиланган улушини эгаллаш имконини берадиган корхонанинг рақобатбардошлик даражасини аниқлаш ва асослаш;
- корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш усулларини танлаш;
- корхона рақобатбардошлик даражасини кўтариш учун турли стратегияларни шакллантириш;
- турли вариантлардан энг самарали стратегияни танлаш ва амалга ошириш.

Корхона рақобатбардошлигини бошқаришнинг мақсади, рақобат муҳитида унинг муваффақиятли ишлаши учун шарт-шароитларни таъминлаш ва ҳар қандай иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа ўзгаришлар юзасидан мамлакат ичкарасида ва ташқарисида ушбу корхонанинг бошқаларга нисбатан устунликларини таъминлашдир.

Рақобатбардошликни бошқариш механизми техник, иқтисодий, ижтимоий, психологик, ҳуқуқий, тижорат, ташкилий жиҳатларга асосланган ҳолда мураккаб бошқарув тоифасига киради [13]. Тадқиқотчи Л.Кириченконинг фикрига кўра, корхона рақобатбардошлигини бошқариш учун қуйидаги масалаларга мувофиқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак: илмий-технологик масалалар, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш масалалари, ихтиро ва ихтироларни қўллаш, замонавий ишлаб чиқариш воситаларини автоматлаштиришни жорий этиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тартибга солиш, техник, иқтисодий кўрсаткичлар ва бошқалар [7].


Замонавий назария ва амалиётда корхона рақобатбардошликни бошқаришнинг энг муҳим жиҳати - рақобатбардошликни миқдорий баҳолаш, таҳлил қилиш, рақобатбардошликни прогнозлаштириш, маркетинг ва молиявий кўрсаткичларни ошириш усулларини тадқиқ этиш ва стратегик нормаларни шакллантиришдир. Уларни қўллаш бозор иштирокчиларининг қиёсий таҳлилини ўтказишга ва бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон беради. Юқоридаги усулларни аниқлаш ва

такомиллаштиришдан мақсад, рақобатбардош маҳсулотлар билан бозор талабларини қондириш ҳамда корxonанинг молиявий натижаларини яхшилашга қаратилган. Шу билан бирга ушбу усулларни амалга ошириш ва такомиллаштириш молиявий, ташкилий, техник, технологик ва бошқа фаолият учун комплекс ёндашувни талаб қилади.



3-расм. Корxона рақобатбардошлигини бошқариш жараёни чизмаси [4]

Юқорида кўрсатиб ўтилган енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ва талабларни эътиборга олган ҳолда мамлакатимиздаги енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини такомиллашган бошқарув тизимини қуйидаги шаклда таклиф этамиз (4-расмга қаранг).



4-расм. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини такомиллашган бошқарув тизими

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Ушбу энгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизими корхонада мавжуд бўлган ресурслардан самарали фойдаланишга ва хар бир бўлимда узлуксиз изланишлар олиб боришга ундовчи механизм ҳисобланади. Шунингдек, корхоналарда ушбу тизим бўйича ишлар ташкил этилиб, қатъий назорат ўрнатилса, корхоналар фаолиятини кенгайтиришга ва ривожлантиришга, қўшимча имкониятларга эришиши мумкин.

Энгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизими корхона фойдасини узоқ муддатли ошишига таъсир этувчи омилларни самарали бошқаради, бирор бўғинда сусткашлик билан иш олиб борилишига ва бир жойда депсиниб туришга йўл қўймайди, режалаштирилган натижага эришишга ва хар бир бўлим ёки цех фаолиятини ривожлантиришга ундайди.

Хулоса ва таклифлар

Энгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифлар тавсия этилади:

– корхоналар соф рақобат шароитида устунлик жиҳатларга эга бўлишлари учун, инновацияни ривожлантириш, инвестициялар жалб қилиш, истиқболли лойихалар устида ишлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва нархи бўйича оптимал сиёсатни юритиш, янги ассортиментлар устида ишлаш, тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарнинг энг асосий миссияси этиб белгиланиши керак;

– рақобатбардошликни бошқариш тизими бу корхонанинг ташқи ва ички муҳит омилларини эътиборга олган ҳолда фойдани оширишга қаратилган оқилона стратегик ҳаракатидир;

– корхона рақобатбардошлигига эришишида аниқ бир йўналиш мавжуд эмаслиги тушунчанинг мураккаблигидан далолат беради, корхона рақобатбардошлигини таъминлашда турли омиллар таъсир кўрсатиши мумкин, шунинг учун корхонага таъсир этувчи барча омиллар чуқур таҳлилий ўрганилиши зарур;

– рақобатбардошликни бошқариш жараёнида корхонанинг бозордаги ҳақиқий даражасини баҳолаш, корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш воситаларини аниқлаш, муносиб стратегия ишлаб чиқиш, замонавий иқтисодий шароитларда истеъмолчиларнинг маҳсулотга бўлган ўзига хос алоҳида талаблари ривожланаётганлигини инобатга олиш лозим;

– рақобатбардошликни бошқариш тизими ташкилий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа ўзгаришларда корхонанинг барқарор ишлашини таъминлаши, рақобат устунликлари бўйича чора-тадбирлар кўриш ва рақобат кучсизликларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 14 декабрьдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

2. Андреева А.Е. Развитие конкурентоспособности предприятия на основе повышения эффективности применения методов менеджмента качества.

Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург – 2017. 24 б.

3. Галелюк М.М. Система управления конкурентоспособностью машиностроительного предприятия // Вестник экономической науки Украины. 2008. № 2. 15 б.

4. Гранатуров В.М. Управление конкурентоспособностью предприятий: учебн. пособ. – Одесса: ОНАС, 2016. – 30-37 б.

5. Данилюк Н.В. Обеспечение конкурентоспособности организаций сферы услуг на основе методов управления качеством: дис. ...канд. экон. наук: 08.00.05. - СПб., 2011. – 153 б.

6. Денисова А.Л., Уляхин Т.М. Управление конкурентоспособностью промышленного предприятия: аспекты качества: монография. - Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2006. - 120 б.

7. Кириченко Л. Механизм управления конкурентоспособностью предприятия // Вестник КНТЭУ. 2009. №1. 62-66 б.

8. Кузьмин А. Управление международной конкурентоспособностью предприятия: учеб. пособие Львов: Компакт-ЛВ, 2005. 304 б.

9. Мансуров Р.Е. Об экономической сущности понятий "конкурентоспособность предприятия" и "управление конкурентоспособностью предприятия" // Маркетинг в России и за рубежом. 2006. №2(52). 94 б.

10. Парахина В.Н., Максименко Л.С. Стратегический менеджмент: учебник. – М.: КНОРУС, 2008. - 496 б.

11. Савельева Н.А. Управление конкурентоспособностью фирмы: учебник. - Ростов н/Д: Феникс, 2009. – 382 б.

12. Чайникова Л.Н., Чайников В.Н. Конкурентоспособность предприятия: учебное пособие. - Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2007. – 192 б.

13. Шешукова Т.Г., Колесень Е.В. Оценка затрат на исследования и разработки как компонент инновационного потенциала предприятия // Вестник Пермского университета. Сер. Экономика. 2012. Вып. 2. 25-34 б.